Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz ● www.adolat.uz ● № 22 (881) ● 2012 йил, 1 июнь, жума

Кичкинтойларга меҳр ва қувонч улашиб...

«Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги доирасида Ўзбекистон академик рус драма театрида концерт бўлиб ўтди

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика актёрлар уйи, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур хайрия концертига Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли оилалар фарзандлари таклиф этилди.

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Ризаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, ижтимоий-тиббий ҳолатидан қатъи назар, уларнинг имкониятлари тенглигини, ҳуқуқларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўғил-қизларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига яқиндан кўмаклашишга доир кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Давоми 4-бетда

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2012 йил 4 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилиниши мўлжалланмоқда.

Янги авлод тарбияси тўғрисида ғамхўрлик

Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори янги авлод тарбияси тўғрисидаги яна бир юксак ғамхўрлик бўлди.

Мукаммал таълим тизими жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилди, мустақил Ватанимизнинг дастлабки ордени "Соғлом авлод учун" деб номланди. Халқимизнинг миллий-маънавий қадриятларини тиклаш, ғурур-ифтихорини жой-жойига қўйиш, буюк аллома аждодларимиз меросидан бахраманд бўлиш орқали янги дунёқарашга эга, замонавий билимларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш истиқлолимизни мустаҳкамлашнинг зарур шарти деб белгиланди. Бу вазифани амалга ошириш учун мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида муайян ишлар амалга оширилди. Бугун биз юртимизда миллий истиқлол мафкураси асосида жорий этилган 12 йиллик мажбурий таълим тизими ва унинг ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда ўтказилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференцияда 9+3 системали бепул узлуксиз таълимнинг миллий моделини яратиш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония каби ривожланган давлатларидан келган таълим соҳаси йирик мутахассислари томонидан юксак баҳоланди. Улар мамлакатимизда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг тобора ўсиб бораётганига, ҳозирги шароитда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида юксак ижобий натижаларга эришишда билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч эканлигига Ўзбекистон мисолида яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода Ўзбекистон бюджетидан таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этишини, мамлакат умумий йиллик бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётганини юксак баҳолади.

"Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовордир, — деб таъкидлади у. — Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсан кўрсатаётган доимий эътибори ва ташаббуси бу муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омили бўлмоқда".

Ахборот оламининг глобаллашуви шароитида ёш авлодга сабоқ бериш, уларни комил инсонлар қилиб тарбиялаш, онг-шуурларини зарарли таъсирлардан асраб-авайлаш устоз-мураббийлардан ўз ишига янада масъулият билан ёндашишни, фидойилик ва ташаббускорликни талаб этади.

Давоми 2-бетда

Ижроия Қўмита йиғилишида

Сиёсий Кенгашда

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия ҳаётига доир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Кун тартибига кўра, дастлаб партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим мудири Р.Ёдгоровнинг "Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси тизимида кадрлар захирасини шакллантиришнинг ҳолати тўғрисида"ги ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, ҳар бир сиёсий партия ўз мафкураси, сиёсий платформаси ва фаолиятини кучайтиришга асосий эътибор қаратар экан, бу борада энг аввало, кадрлар салоҳиятига таянади. Шу боис партия кадрларини танлаш, тарбиялаш ва жойжойига қўйиш, шунингдек, кадрлар захирасини шакллантириш устувор аҳамият касб этади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам патиявий фаолиятнинг барча бўғинида кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан бўлиб, уни амалга ошириш борасида кенг кўламли ташкилий ва услубий ишлар амалга оширилмоқда. Партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан кадрлар захирасини шакллантириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда ва бу масала юзасидан масъуллар белгиланган. Шунингдек, туман ва шаҳар кенгашлари раислигига ҳам захира кадрлар шакллантирилган.

Бироқ айрим туман ва шаҳар партия кенгашлари раислигига олинган захира кадрларнинг салоҳиятини қўйилаётган талаблар даражасида деб бўлмайди.

Давоми 2-бетда

Муқобил энергиядан фойдаланиш масаласи

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясининг кун тартибида

Депутатлик гуруҳларида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бугунги сиёсий модернизациялашув жараёнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар зиммасига сайловчилар ишончини оқлаш, сайлов кампанияси даврида номзоди кўрсатилган сиёсий партия дастуридан келиб чиқиб, берилган ваъдалар устидан чиқиш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини, ижтимоий фаоллигини ошириш, жамоат назоратини ўрнатиш каби юксак масъулият юклатилмоқда.

Давоми 2-бетда



Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда соғлом дунёқараш ва мустақил тафаккурга эга бўлган ёшларни вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Маънавий таҳдидлар ва ёшлар тарбияси

Хусусан, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлашга, ёш авлод қалби ва онгига онаюртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масалаларига, маънавият ва маърифат масканлари, кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ҳамда таълим даргоҳларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Миллий маънавият тарғибот маркази томонидан "Миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, "оммавий маданият" ва унинг таҳдидини бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар"га бағишланган анжуманда таъкидланганидек, бугунги мураккаб глобаллашув даврида ижобий ахборотлар билан бирга ноқонуний ва ижтимоий жиҳатдан салбий мазмунга эга бўлган ахборотлар ҳам тарқалаётгани давлатларнинг ижтимоий ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётир.

Давоми 4-бетда

Фаолият мезони — ишлар сарҳисоби

Аввало, қайси тоифада бўлмасин, раҳбар ўзининг йўлбошчи, йўл кўрсатувчи, раҳнамо, сардор, бошлиқ, етакчи, амалдор эканлигини, зиммасида ҳам белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ҳам етакчи сифатида обрў-эътибор орттириш масъулияти борлигини чуқур тушуниб етиши лозим. Чунки раҳбарга фуқаролар давлат бошқарув тизимининг вакили сифатида баҳо берадилар ва у орқали бошқарув тизимини баҳолайдилар.

3-бет

Ҳуқуқий маданият — олий қадрият

Наманган вилоят Адлия бошқармаси томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан бир мунча ижобий ишлар амалга оширилди. Масалан, «Нампахтатранс» МЧЖ ходимларининг жамият томонидан ойлик иш ҳақлари ўз вақтида берилмаётганлиги ҳамда ушбу иш ҳақларини ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб ёзган шикояти ўрганиб чиқилиб, 98 нафар ходимларнинг иш ҳақларини ундириш юзасидан ариза бўйича Наманган туманлараро судига суд буйруғи чиқариш юзасидан ариза берилди.

5-бет

Раҳбар масъулияти —

самарадорлик ва адолат мезони

...раҳбар шахс турли вазиятларни аниқлай, баҳолай олиши, режалаштира билиши, маслаҳат бериши, айни вақтда башорат қила олиши зарур. Шу асосда раҳбар ва раҳбарият фаолиятларида келажак билан боғлиқ функционал механизмлар даврга мувофиқлаштириб борилади. Бошқарув тизимида юзага келиши мумкин бўлган турғунлик ҳолатларини бартараф этишда бунинг ўрни алоҳида намоён бўлади.

5-бет

Муқобил энергиядан фойдаланиш масаласи

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясининг кун тартибида

Давоми. Боши 1-бетда

Айниқса, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиш, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига партия сайловолди дастуридан келиб чиқувчи долзарб масалаларни киритиш ва унинг амалда ўз ифодасини топишини таъминлаш маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасидаги энг устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда вилоят Кенгашида 4 нафар, туман ва шаҳар кенгашларида 43 нафар депутати мавжуд бўлган Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Тошкент вилояти Кенгаши таркибидаги депутатлик гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини эътироф этса арзийди.

Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига вилоят партия депутатлик гуруҳи ташаббуси билан киритилган «Муқобил энергиядан фойдаланиш йўли билан атроф-муҳитни ортиқча ифлосланишдан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинишига эришилгани ҳам бу борадаги амалий фаолиятнинг намунасидир.

Маълумки, бугунги кунда энергия тежамкорлигини ошириш, экологик тоза, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш қўламини янада кенгайтириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис бутун дунёда иқтисодиётнинг турли соҳаларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, энергиянинг муқобил турларидан оқилона ва самарали фойдаланиш юрт тараққиётига, халқ фаровонлигига хизмат қилади.

— Юртимизда энергия истеъмолини камайтириш ва уни тежашнинг самарали тизимини жорий этишга муҳим вазифа сифатида эътибор қаратиб келинмоқда, — деди сессияда сўзга чиққан вилоят партия Кенгаши депутати Гайрат Муҳаммедов. — Бу борада қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш жараёнида тежамкор, замонавий технологияларни қўллаш кўлами кенгайиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши ҳам амалий саъй-ҳаракатларни олиб бормоқда. Партиянинг грант лойиҳаси асосида «Ихлос Бизнес Барака» хусусий корхонаси томонидан Ўрта Чирчиқ туманининг Кучлик маҳалласида партия аъзоси Мурод Минглиев томонидан чиқиндидан биогаз ва биоўғит олиш қурилмаси ишга туширилган эди. Ўтган давр мобайнида ушбу қурилмага Республикамизнинг турли ҳудудларидан кўплаб тадбиркорлар қизиқиш билдириб, уни ўзларида ҳам жорий этиш таклифини билдиришди. Ушбу талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, мазкур инновацион лойиҳа яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Инновацион лойиҳалар ва технологиялар V Республика ярмаркасида намойиш этилди ҳамда уни оммалаштириш юзасидан қатор йирик ташкилот, корхоналар, фермер хўжаликлари билан келишувларга эришилди.

Шу боис Ўзбекистон Адолат СДП Тошкент вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан чиқиндидан биогаз ва биоўғит олиш лойиҳасини айни пайтда Тошкент вилоятининг барча ҳудудларида жорий этиш имконияти юқорилигини инобатга олиб, «Муқобил энергиядан фойдаланиш йўли билан атроф-муҳитни ортиқча ифлосланишдан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги масала халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг XX сессияси кун тартибига киритилди.

Сессияда Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида келтирилган табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефть, газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланилмаётганлигига доир танқидий фикрлари вилоятдаги нафақат энергия таъминоти ташкилотлари, балки, давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, тадбиркорлар, қолаверса, барча фуқароларга ҳам тегишли эканлиги таъкидланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоятда энергия тежамкорлигини ошириш, экологик тоза, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш қўламини янада кенгайтиришнинг долзарблигини ҳисобга олиб, вилоят иқтисодиётининг турли соҳаларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кучайтириш мақсадида халқ депутатлари вилоят Кенгаши юқоридаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди ва унинг ижроси юзасидан мутасадди ташкилотларга вазифалар юкланди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Янги авлод тарбияси тўғрисида ғамхўрлик

Давоми. Боши 1-бетда

Даврнинг шиддат билан ўзгариб бориши, илм-фан ютуқлари, янги технологияларнинг ҳаётимизга кириб келиши, шу билан бирга, турли ахборот хуружларининг авж олиши мураббийлар зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Бугунги педагог-мураббий ўз билими доирасини мунтазам равишда кенгайтириб бориши, янги техник воситаларни педагогик амалиётда қўллай билиши, ўқувчиларнинг қизиқиш ва лаёқатларини тўла ҳисобга олиши зарур.

Давлатимиз раҳбарининг "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори замонавий билимларни пухта эгаллаган баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги яна бир ғамхўрликнинг намоёни бўлди.

Қарорда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни замонавий фикрловчи, юксак маҳоратга эга, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига кенг татбиқ этишга, хорижий тиллардан дарс беришга қодир кадрлар билан таъминлашга эътиборни янада кучайтириш;

чет эл тажрибасини инобатга олган ҳолда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун янги ўқув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқиш, уларда анъанавий мактаб таълими услубларидан воз кечиб, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича соатларни кўпайтириш, педагог кадрларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни эгаллашларига алоҳида эътибор қаратиш, 2012 йилнинг 1 сентябридан бошлаб касб-ҳунар коллежлари ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкаларини малака тоифаларига қараб, касб-ҳунар коллежлари тегишли малака тоифаларидаги ўқитувчиларининг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкаларига тенглаштириш кўзда тутилади.

Шу билан бирга, мазкур қарорда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, юқори касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган талаблардан келиб чиққан ҳолда, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб асосида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг директорларини ҳар икки йилда бир марта, ўқитувчи кадрларни эса ҳар уч йилда камида бир марта аттестациядан ўтказиш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тармоқ (базавий) касб-ҳунар коллежлари ҳузурида ўқитувчи кадрларнинг замонавий ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида илғор педагогик технологияларни эгаллашларини таъминлашга доир доимий фаолият юритадиган семинарларни ташкил этиш белгилаб қўйилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига вазирлик ва марказнинг мансабдор шахслари, олий ўқув юртларининг етакчи ўқитувчилари ичидан ушбу семинарларни ўтказиш учун масъул шахсларни бириктириб қўйиш, семинарлар ишининг самарадорлигини мунтазам равишда назорат қилиб бориш, зарур ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарорига асосан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги тизим кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти бундан буён касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг раҳбар ва педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ягона меъёрий-услубий базани ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш юзасидан бош муассаса мақомига эга бўлади.

Истиқлол шарофати билан жорий этилган янги узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, бу соҳани янгича дунёқарашга, илғор педагогик маҳоратга эга бўлган малакали, фидойи кадрлар, янги ўқув дарсликлари, методик қўлланмалар билан таъминлаш, лицей ва коллежлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни энг сўнгги технологик воситалар билан жиҳозлаш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бугун замонавий типда қурилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиш ёшларимиз учун фахр ва ифтихор бўлиб қолди. Мустақиллик йиллари янги жамиятнинг янги дунёқарашга эга ёш авлодни тарбиялаш борасида эришилаётган ютуқлардан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ёшлар бугун мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, бошқарувда, илм-фан, саноат, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, маданият, санъат ва спорт соҳаларида етакчи мавқега эга бўлиб, туришибди. Яқинда Навоий вилоятида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари фикримизнинг яна бир яққол тасдиғи бўла олади. Коллеж ва лицей талабалари орасидан мамлакатимиз шаён-шавкатини оширадиган, мустақил Ўзбекистон номини дунёга танитадиган маҳоратли, эътиқоди мустаҳкам спорт усталарининг етишиб чиқаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат, она-Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш, бугунги мураккаб дунёда, ён-атрофимизда кечаётган турли жараёнлар, воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўғри англашлари учун замин яратиш, айни чоғда мамлакатимизда истиқлолимизнинг дастлабки қадамлари қандай кечганини, бу буюк неъматни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама чуқур тушунтириб бериш бугунги куннинг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳамда тарбиявий вазифаси ҳисобланади.

Худоёр МАМАТОВ.



Биз катта кучмиз

— дейди Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Андижон вилоят «Сувоқава» ОАЖдаги БПТ етакчиси Зуҳриддин Шокиров

Бошланғич партия ташкилотларида

Истиқлол йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг миқёсдаги ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Болалар ва ўсмирлар организмидаги йод танқислиги оқибатида юзага келадиган касалликлар, ақлий ривожланишдан орқада қолиш, диққат-эътиборнинг заиф концентрацияси, буқоқ, ҳомиладор аёлларда бола ташлаш, марказий асаб тизими фаолиятидаги бузилишлар, ақлий ва жисмоний қобилиятнинг пасайиши каби касалликларни олдини олиш мақсадида мамлакатимизда бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни шулар жумласидандир.

Андижон вилояти «Сувоқава» ОАЖда «Адолат» социал-демократик партиясининг бошланғич ташкилоти ташкил этилганида унинг аъзолари атиги 8 нафарни ташкил этар эди. Самарали фаолият, тинимсиз саъй-ҳаракатлар натижасида бугунга келиб қуйи бўғин аъзолари қарийб 50 нафарга яқинлашиб қолди. Мана бир неча йилдирки, мазкур бошланғич ташкилот қошида жамоатчилик қабулхонаси самарали фаолият юритиб келмоқда. Бошланғич партия ташкилоти етакчиси Зуҳриддин Шокировнинг таъкидлашича, ўтган вақт мобайнида ҳудуднинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир ўнлаб ташаббуслар амалга оширилди.

— Фаолиятимиз давомида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди З.Шокиров, — Хусусан, БПТ фаолларининг ташаббуси билан ҳар ойда Андижон шаҳридаги «Ўзбекистон», «Ўзгариш», «Эркин» маҳаллаларида истиқомат қиладиган ана шундай оилалардан учтасининг коммунал тўловлари ҳомийлар маблағи ҳисобига тўлаб борилмоқда.

Айтиш керакки, мазкур қуйи бўғиннинг энг катта ютуғи — маҳаллаларда доимий фаолиятни йўлга қўя олганидан бўлмоқда. Улар томонидан ташкил этилаётган ҳар бир тадбирда эса фуқароларни ислоҳотларнинг чинакам иштирокчиси бўлишга чақирилмоқда. Масалан, яқинда Андижон туманидаги «Қўнжи» ва «Ёрбоши» қишлоқларида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тадбир ташкил этилди. Унда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мазмун-моҳияти хусусида кенг тушунчалар берилди. Коммунал тўловларнинг ўз вақтида тўланишини ташкил этиш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга асосий эътибор қаратилди. Шунингдек, муқобил энергия манбаларини оммалаштириш мақсадида унинг афзалликлари ҳақида тушунчалар берилди. Бу борада партиямизнинг сайловолди дастурида олдинга қўйилган вазифалар, унинг ижроси аниқ мисолларда кўрсатилди.

— Ушбу бошланғич партия ташкилоти Андижон шаҳридаги энг намунали БПТлардан биридир, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон шаҳар кенгаши раиси Ҳайитбек Тиллабоев. — Тўғри, барча бошланғич партия ташкилотларимизни ҳам ана шундай фаол деб бўлмайди. Шу туфайли ҳозир шаҳар кенгаши ҳузурида комиссия туздик. Комиссия БПТ ишини ўрганиш ва қайта кўриб чиқиш, партия ташкилоти ҳисобида турган партия аъзолари рўйхатини кўриб чиқиш, янгилаш, аъзолик бадали тушуми таъминотини йўлга қўйиш каби ишларни амалга оширмоқда. Шу билан бирга, БПТ етакчилари иштирокида ҳар ҳафтада кундалик вазифаларни бажариш ва ижро назорати тизимини ташкил этиш бўйича йиғилишлар ташкил этилмоқда.

Шубҳасиз, бугун мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлардан ҳеч ким четда туриши мумкин эмас. Шу боисдан «Сувоқова» ОАЖ бошланғич партия ташкилоти корхонанинг барча ишчи-ходимлари учун амалий семинарлар ташкил этишни йўлга қўйган. Бу тадбирларда давлат ва жамоат бошқарувини янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳияти очиб берилаяпти. Натижада БПТ аъзоларининг сиёсий қарашлари мустаҳкамланиб бормоқда. Улар фақатгина корхона ташвишлари билан ўралашиб қолмай партия тақдири, юрт келажаги учун қайғураётганлари ҳам кишини мамнун этади.

Мухтасар айтганда, Андижон вилояти «Сувоқава» ОАЖдаги «Адолат» СДПнинг бошланғич ташкилоти аъзолари ўз бурчига масъулият билан ёндашадиган ижтимоий-сиёсий фаол кишилардир. Улар мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнлари моҳиятини чуқур англаган ва бу жараёнларнинг янада равнақ топишида ўзларини масъул деб билган партиядошларимиздир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Ижроия Қўмита йиғилишида

Давоми. Боши 1-бетда

Шу боис ушбу тизимни янада такомиллаштириш, кадрлар захираси билан мунтазам ишлаш, уларни белгиланган мезонлар асосида танлаш ва малакасини мунтазам ошириб бориш талаб этилмоқда.

Муҳокамалар асосида Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари захирага олинган кадрлар билан мунтазам ва тизимли сиёсий ўқишларни ташкил этиб, уларнинг партия ҳаётидан бохабарлигини ва партия мафкураси билан яқиндан танишиб боришини таъминлаш юзасидан тавсиялар берилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон ва Наманган вилоятлари Кенгашларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишдаги иштирокини кучайтириш бўйича амалга ошираётган фаолияти тўғрисида халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари А.Назаров ва Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари А.Бўриевнинг маърузаси тингланди.

Муҳокамалар асносида Ижроқўм аъзолари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларининг барчаси ҳам бугунги талаб даражасида фаолият юритмаётганлигини таъкидлашди. Айниқса, улар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш жараёнига суст таъсир кўрсатмоқдалар. Ўз навбатида депутатлар сессия, доимий комиссия мажлисларига партия дастури ва электорат манфаатларига қаратилган долзарб масалаларни киритишда ҳам фаоллик кўрсатишмаяпти. Миллий қонунчилик билан тақдим этилган ваколатлардан, хусусан, депутатлик сўрови, депутатлик назорати функцияларидан тўлиқ тарзда фойдаланилмаяпти.

Ушбу камчиликлар партиянинг Андижон ва Наманган вилоят Кенгашларидаги маҳаллий партия депутатлик гуруҳлари фаолиятида ҳам кўзга ташланмоқда. Йиғилишда Ижроқўм аъзолари томонидан маҳаллий депутатлар ҳудудий партия ташкилотлари билан ҳамкорликда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиясига партия сайловолди дастури асосида тегишли масалаларни киритиш тартибини белгилаб, навбатдаги сессияларга ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, жамоатчилик назоратини кучайтиришга оид масалалар киритишлари юзасидан керакли тавсиялар берилди.

Шунингдек, Ижроия Қўмита йиғилишида Ўзбекистон "Адолат" СДП "Ёш адолатчилар" қанотининг Бухоро шаҳрида ўтказиладиган "Сиёсий модернизация ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида социал-демократия мафкураси позицияларини мустаҳкамлашда ёшларнинг иштироки" мавзуидаги семинари тўғрисидаги масала ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Илёс САХАТОВ.

Фаолият мезони — ишлар сарҳисоби

Депутатлик назорати

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан «Депутатлик назоратини амалга ошириш ҳамда ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг роли» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда партиянинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ва депутатлар фаолияти атрофлича муҳокама этилди. Унда сўзга чиққанлар партия ва депутатлар ҳамкорлигининг аҳамиятли жиҳатлари хусусида тўхталиб, партиянинг электорати манфаатлари ва Дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда депутатлик назоратини амалга ошириш механизмини янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий механизмларидан марказда ва жойларда кенг фойдаланиш учун барча чораларни кўриш кераклиги тўғрисидаги ниҳоятда долзарб вазифа ўртага қўйилиб, бу борадаги ишлар замон талаблари даражасида эмаслиги таъкидланган эди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ҳам яна бир бор ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

— Билдирилган танқидий мулоҳазалардан хулоса чиқарган «Адолат» СДП фаоллари жойлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятида мавжуд камчилик ва нуқсонларни тузатиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган бирламчи вазифалар қаторига партия сайловолди дастурида илгари сурилган ғояларни ҳаётга изчил татбиқ этишда сусткашликка барҳам бериш, ижроия ҳокимияти фаолияти, айниқса, иқтисодиётни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ва давлат дастурларининг жойлардаги ижросини қатъий назоратга олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб олдилар, — деди «Адолат» СДПнинг Миробод тумани кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибаев. — Хусусан, Ижроия қўмитанинг депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантиришга доир махсус қарори қабул қилиниб, тегишли кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Ўз навбатида вилоят ва туман (шаҳар) кенгашларидаги, жумладан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳлари ана шу кўрсатмалар асосида ўз Низомларини тасдиқладилар.

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида пойтахтнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини чуқур таҳлил қилиш билан бирга уни янада ривожлантириш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирларни белгилаб бердилар. Бу устувор вазифалар партиямиз депутатлик гуруҳи ва депутатларни ҳар доимгидан кўра масъулиятлироқ бўлишга ундайди. Мазкур вазифалар ижроси депутатлар ва партиянинг жойлардаги ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришни талаб этади.

Айтиш жоизки, ўтган йилларга қараганда, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳининг фаоллиги бирмунча ошди. Депутатлар фаоллиги ошгани ва уларга бўлган ишончнинг мустаҳкамланаётганини эса мурожаатлар сонининг ортганида ҳам кўриш мумкин. Шу билан бирга, фуқаролар мурожаатлари асосида халқ вакиллари назоратнинг яна бир шакли — депутатлик сўровларидан ҳам унумли фойдаланишга киришдилар. Ўтган давр мобайнида депутатларимиз томонидан турли ташкилотларга ўнлаб депутатлик сўровлари юборилгани ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳининг фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, улар томонидан қўлга киритилган ютуқлар ва эришилаётган натижалар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради, деган фикрдан йироқмиз, албатта. Гарчи депутатлик гуруҳлари фаолияти, айниқса, назорат йўналишидаги ишлар бир қадар жонланган бўлса-да, ҳали ижтимоий-иқтисодий вазиятга кучли таъсир эта оладиган даражада эмас. Демак, 2012 йилда депутатлик гуруҳи фаолиятини ана шу даражага олиб чиқиш — устувор вазифалардан бири, десак янглишмаган бўламиз. Шундагина муайян муаммоларни ҳал этишда депутатлар ролини ошириш ва аҳолининг партиямизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга муваффақ бўламиз.

Тадбирда алоҳида қайд этилганидек, депутатларда жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётда рўй бераётган воқеаларни, ютуқ ва камчиликларни кузатиш, таҳлил қилиб бориш имконияти катта. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, айни пайтда аҳолининг ижтимоий фаоллиги ошиб, юртдошларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти сезиларли даражада ўсди. Бу эса депутатларнинг янада фаол, ташаббускор бўлишини, ижтимоий ҳаётнинг олдинги сафларида туришини тақозо этади.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбирда депутатлик назорати ҳамда депутатлик сўрови юзасидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, депутатлар фаолиятини янада кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати.

Депутатлик гуруҳларида

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Олтинкўл тумани кенгаши ташаббуси билан туман тиббиёт бирлашмасида «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг депутатлари, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашлари доимий комиссиялари раислари ва партия фаоллари иштирок этди.

Ҳамжиҳатлик ва фаоллик зарур

Тадбирда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларни бажаришда партия иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шу билан бирга, сиёсий партияларнинг жамият ва давлат бошқарувини демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашдаги ролини кучайтириш, хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва маҳаллий кенгаш депутатларининг бу жараёнда янада фаолроқ иштирокини таъминлаш борасидаги масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашинилди.

— Айтиш жоизки, бугунги кунда Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари фаолияти ҳам тубдан ўзгарди, — деди «Адолат» СДП Олтинкўл тумани кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ф.Парпиев. — Мазкур ўзгаришлар қабул қилинаётган қонунларнинг янада мукаммал бўлаётганида ўз аксини топмоқда. Бу давлат қурилиши соҳасида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги муҳим қадам бўлиб, мамлакатимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсири ошаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, бугун замоннинг ўзи сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлари фаолиятини янада такомиллаштиришни, бор куч ва имкониятларни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида сафарбар этишни энг муҳим ва долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Таъкидландики, жорий йилнинг ўтган даврида партиянинг туман Кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан мутасадди ташкилотларга жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида 12 та депутатлик сўрови юборилди. Халқ депутатлари туман Кенгашининг сессияларига 3 та масала киритилди.

Хусусан, халқ депутатлари туман Кенгашининг жорий йил 9 январдаги ўн биринчи сессияси кун тартибига «Адолат» СДП туман кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш тўғрисидаги масала киритилди.

Туманда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, биргина жорий йилда ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш мақсадида Сувюлдуз, Кўмакай ва Олтинкўл қишлоқларида 5,9 километр ичимлик суви тармоқларини тортиш ва битта қудуқ қуриш режалаштирилган. Мазкур ишларга 183,6 миллион сўм маблағ ажратилган. Айни кунларда бу борадаги ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Туманда, шунингдек, қўшимча дастур асосида 407 миллион сўмга тенг бўлган лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа амалга оширилса, тумандаги Оразий қишлоғининг «Қипчоқ» ва «Узун кўча», «Қайирма», Қўштепасарой қишлоғининг «Андижон», Маслаҳат қишлоғининг «Мақсад» маҳаллалари ҳудудида 5,5 километр узунликдаги тармоқлар янгиланиб, 3 та янги қудуқ қурилади. Яна 2 таси реконструкция қилинади.

Бироқ жойларда соҳага масъул бўлган мутасаддиларнинг барчаси ҳам бундай эътибор ва имкониятлардан тўғри ва унумли фойдаланяптилар, деб бўлмайди. Масалан, туманда аҳолига тоза ичимлик сувини етказиб берувчи 70 дан ортиқ сув иншоотлари мавжуд бўлса, шундан атиги 28 тасигина корхона сифатида қонуний фаолият юритмоқда. Баъзиларида истеъмолчи ва таъминотчи ўртасидаги шартнома тузилмаган, корхона фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тўғри йўлга қўйилмагани оқибатида катта миқдордаги дебитор ва кредиторлик қарздорликлар юзага келган. Бу эса, сув таъминотидаги узилишларни келтириб чиқараётгани боис истеъмолчиларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Давра суҳбатида партиялар вакиллари мамлакатимиз ривожи ва фаровонлиги учун биргаликда ҳаракат қилиш, куч ва имкониятларни бир мақсадга йўналтириб, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Туманда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, биргина жорий йилда ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш мақсадида Сувюлдуз, Кўмакай ва Олтинкўл қишлоқларида 5,9 километр ичимлик суви тармоқларини тортиш ва битта қудуқ қуриш режалаштирилган. Мазкур ишларга 183,6 миллион сўм маблағ ажратилган.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

«Электр ҳисоб»

электрэнергетика соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш асосида ҳисоб-китоб ва хизмат кўрсатиш тизими такомиллашмоқда

Дастур доирасида

«Электр ҳисоб» электрон дастури «Ўзбекэнерго» ДАКнинг техник шартлари ва бошқа бир қатор ҳуқуқий норматив ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган. Ушбу дастур тест режимида Наманган вилоятида синовдан ўтказилди. Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳрининг электр таъминот корхоналарида ва Фарғона вилоятида тажриба синовдан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Сирдарё вилояти Электр тармоқлари корхонасининг мажлислар залида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти Кенгаши, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят Электр тармоқлари корхонаси ҳамкорлигида «Электрэнергетика соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш асосида ҳисоб-китоб, тўлов ва хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш дастури» мавзуида амалий семинар ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла» жамоат фонди, молия, солиқ бошқармалари, суд департаменти, электр тармоқлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия фаоллари иштирок этган илмий-амлий семинарда, электрон дастурий таъминот истеъмолчига фойдаланган электр энергияси учун Республикамизнинг исталган жойидан тўловни ахборот коммуникация тизимлари орқали истеъмолчилар ва электр таъминоти корхоналари ўртасидаги ҳужжатлар айланмаси электрон шаклида амалга ошириш ҳамда энерготаъминот корхонаси томонидан кўрсатиладиган хизматларни тезкор кўрсатиш вазифасини ҳал этиши мисоллар билан тушунтириб берилди.

«Ўзбекэнерго» ДАКнинг етакчи мутахассиси У.Раҳимов «Электр ҳисоб» дастурининг яратилиши етказиб берилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида ва самарали йиғиш, инсон омилини ҳисоб-китобга ва тўловларнинг ҳаққонийлигига таъсирини камайтириш имконини бериши, бунинг натижасида, маълумотларнинг тезкор етказилиши ва электр энергияси учун қулай тўлов турларининг тақдим этилиши истеъмолчиларнинг ишончи ошишига сабаб бўлишини тўлақонли равишда кўрсатиб берди.

Дастур on-line технологиялари воситасида истеъмолчига шахсий кабинет ва SMS-хабар орқали барча тааллуқли маълумотларни бериш, шунингдек, компания раҳбарияти томонидан эса реал вақт режимида электр таъминоти корхонаси ходимларининг ўз вазифаларини вақтида бажаришини мониторинг қилиш имконини беради. Истеъмолчи ўз хоҳишига асосан тўловларни on-line тизимида автоматлаштирилган тўлов тизимининг қулай ва мукаммаллаштирилган турлари орқали амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Семинар давомида Ўзбекистон «Адолат» СДП Мирзаобод тумани кенгаши депутати С.Исканов, партиянинг Янгиер шаҳар кенгаши раиси П.Рустамов, «Маҳалла» жамоат фонди вакили М.Турсунов, вилоят Электр тармоқлари бошқармаси ходимлари ва бошқалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Семинарда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сирдарё вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Мурувват

Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, уларни касбга йўналтириш ва жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир.

Ҳар бир фарзанд — меҳр ва эътиборда

Хусусан, партиянинг Фарғона вилояти ҳамда Марғилон шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Марғилон шаҳридаги 37-махсус ногирон-болалар таянч боғчасида хайрия тадбири ташкил қилинди. Унда партия фаоллари, боғча ходимлари, тарбияланувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

— Республикамизда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида барча болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, замонавий таълим ва тарбия бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ижобий самаралар бераётир, — деди партия фаоли техника фанлари доктори, профессор А.Қосимохунова.

Чиндан ҳам баркамол авлод — соғлом юрт келажаги шиори устувор бўлган мамлакатимизда норасида болаларга ҳам юксак эътибор қаратилмоқда.

— Муассасамизда имконияти чекланган болаларнинг таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ҳозирданоқ ўз қизиқиши ва интилиши учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган, — деди боғча мудираси И.Ҳамроева. — Ҳеч бир боғча тарбияланувчиси эътиборсиз қолмаяпти. Шундай экан, давлатимиз ва ота-оналарнинг бизга билдирган ишончини оқлаш, ҳар бир болага алоҳида ёндашиб, кўнглини топа билиш ва ўксик қалбига нур олиб кириш бизнинг асосий мақсадимиздир.

— Мамлакатимиз раҳбарининг бу борадаги алоҳида ғамхўрлигидан биз ота-оналар жуда мамнун, — деди Зиёда Абдурашидова. — Қолаверса, фарзандларимизга ўз фарзандидек қараб, силаб-сийпаб, асраб-авайлаб бор меҳрини бағишлаётган шу боғча ходимларию-тарбиячиларига мингдан-минг раҳмат дейман. Бугун бизнинг фарзандларимиз учун чинакам катта байрам бўлди, бунинг учун болаларимизга доимий эътиборда бўлиб, мурғак қалбларга шодлик улашаётган, ўз ёрдамини аямай, уларга шукуҳли кайфият бағишлаб келаётган "Адолат" партияси фаолларидан миннатдормиз.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Фарғона вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Нуқтаи назар

Хусусий мулк ҳимояси такомиллашмоқда

Концепция: устувор вазифалар

Бугунги кунда мулк, мулкчиликка муносабат давлат ва жамият ривожланишининг энг долзарб ҳамда эътиборга молик масалаларидан биридир. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилгани ҳам бежиз эмас.

Кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотларимиз натижасида юзага келган сифат ўзгаришлари таҳлили ҳали ҳам уларнинг замонавий бозор қоидаларига янада мувофиқлигини баҳолаш, иқтисодиётни такомиллаштириш ва либераллаштириш борасида эҳтиёжлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Энг аввало, ҳар бир тадбиркор, айниқса, хусусий мулкдор Президентимизнинг "давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир" деган даъватини аниқ-равшан тушуниб олиши керак. Айни шу мақсадда, бозор иқтисодиётининг негизи хисобланган хусусий мулкка давлат томонидан берилаётган асосий кафолатни мустаҳкамлашга қаратилган "Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва унинг қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига тақдим этилиши айни муддао бўлди. Мазкур қонунни қабул қилиш долзарб аҳамиятга эга. Негаки хусусий мулкнинг дахлсизлиги кафолатланган, бу механизмни ҳимоялаш фуқаролик кодекси ва Асосий Қонунимизда акс этганига қарамасдан, айрим ҳолларда хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари поймол этилаётганининг шоҳиди бўлмоқдамиз. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонун лойиҳасининг мулкни хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқмаслик ҳамда уни бекор қилмаслик ҳақидаги моддалари (11, 34-моддалар) фуқаролар ва тадбиркорлар томонидан орзиқиб кутилган меъёрлар ҳисобланади.

Шу билан бирга, фуқароларнинг мулкларини давлат ва жамият манфаатларига, эҳтиёжларига олишнинг такомиллашган ҳуқуқий механизмини яратиш масаласини тартибга солган 19-29 моддалари ҳам айни муддао бўлди. Зеро, собиқ иттифоқ суд тизимида фуқароларнинг мулкларини давлат ва жамият манфаатларига олишнинг белгиланган нормаларини татбиқ этишда фуқаролар ва юридик шахсларнинг кўрган зарарларини қоплаш борасида ноқонуний зўравонлик ҳолатлари кузатилар эди. Мазкур қонун лойиҳасида бу амалиётга барҳам берадиган қоидалар мавжуд.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасининг 31-моддасидаги қонунга мувофиқ бўлмаган норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг суд томонидан қонунга зид деб топилиши ҳуқуқини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, вазирнинг буйруғи, ҳокимнинг қарори норматив ҳуқуқий характерга эга ва бу актлар мулкдорнинг мулкини олиб қўйишга ёки ундан фойдаланишни чеклашга олиб келиши мумкин.

Қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида таъминлашлари шарт эканлиги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунда белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонунда фуқароларнинг, яъни мулкдорларнинг давлат органлари, муассасалар ёки унинг мансабдор шахслари ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлар) билан ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган деб ҳисобланганда судга мурожаат қилишлари мумкин эканлиги белгиланган. Судлар эса мазкур қонун лойиҳасининг 31-моддасидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бузадиган, чеклайдиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан берилган шикоятларини кўриб чиқишлари шарт. Шундагина фуқароларда, тадбиркорларда мулкдорлик туйғуси мустаҳкамланади, уларда ўз бизнесини ишонч билан янада ривожлантиришга рағбат кучаяди, бу ҳолат пировардида мамлакат иқтисодиётининг юксалишига, ҳалқ фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

И. АНОРТОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш маркази доценти.

Кичкинтойларга меҳр ва қувонч улашиб...

Давоми. Боши 1-бетда

Турли концертлар, болаларга аталган янги спектакларнинг премьералари, ижодий танловлар, фестиваллар ёш авлод онгу шуурида ватанпарварлик, фидойилик, миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик ғояларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

«Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги доирасида маданият ва истироҳат боғлари, Меҳрибонлик уйлари, мактабгача таълим муассасалари, маҳаллаларда ана шундай концертлар, байрам тадбирлари кўтаринки руҳда, юксак савияда ташкил этилмоқда.

— Ашула айтиш, рақса тушишга жуда қизиқаман, — дейди Тошкент шаҳридаги 171-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Нилуфар Холмуродова. — Мирзо Улуғбек туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказидаги «Ғунча» ансамблига қатнашаман. Байрам учун «Ассалом», «Доира», «Дугоналар» каби рақсларни ўрганиб, Меҳрибонлик уйларида, боғчаларда намойиш этаяпмиз.

Тадбирда болалар бадиий жамоалари ижросидаги катта концерт дастури ёш томошабинлар эътиборига ҳавола этилиб, кичкинтойларга байрам совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Маънавий таҳдидлар ва ёшлар тарбияси

Давоми. Боши 1-бетда

Мавзу доирасидан келиб чиқадиган бўлсак, ахборот глобаллашуви даврида бугунга келиб, бутунжаҳон интернет ахборот тармоғи, мобил алоқа тизими, компьютер ўйинлари, видео ва кино маҳсулотлари орқали «оммавий маданият» ниқоби остида миллий манфаатларимиз, мафкурамиз, маънавий-ахлоқий қарашларимизга ёт зарарли ғояларни ёшлар онгига сингдиришга уринишлар ҳам кузатилмоқда. Бундай шароитда ўсиб келаётган ёш авлодни турли зарарли оқимлар, бузғунчи мафкуралар таъсиридан сақлаш, миллатимизнинг эртаси бўлган азиз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш жамият олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

Тадбирда таъкидланганидек, бунинг учун, энг аввало, маънавий тарғибот ишини янада кучайтириш, унинг самарадорлиги ва таъсирчанлигига эришиш, ёшлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи инсонларни тарбиялаш талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари ҳар қандай миллат ва элат аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши мумкинлигини такрор-такрор уқтиради. Демак, «оммавий маданият» ниқоби остида онг-шууримизга четдан ошкора-пинҳона ёпирилиб келаётган, ёшлар дунёқарашига сингиётган иллатларга асло бефарқ бўлмаслигимиз керак. Бу борада сусткашликка асло йўл қўйиб бўлмайди

Юртбошимизнинг шу йил 9 май куни Хотира майдонида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлган суҳбатида бундай хатти-ҳаракатлар замиридаги носоғлом ниятлар таъсирчан мисоллар билан тушунтириб берилди.

Шубҳасиз, сўнгги йилларда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари, Президентимизнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоблари, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўқиб-ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий-маърифий ва маънавий тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқдаки, буларнинг бари ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Демак, ёш авлодни маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, қобилият ва қизиқишларини тўғри йўналтириб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, амалга ошириш борасидаги ишлар барчага катта масъулият юклаши матбуот анжуманида алоҳида таъкидланди.

Сўзга чиққанлар бугунги ахборот глобаллашуви жараёнида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва таълими самарадорлигини ошириш борасида қатор таклиф-мулоҳазаларни билдирдилар. Иштирокчилар томонидан миллий қадриятлар ва ўзлигимизни англаш, маънавиятимизга таҳдид келажагимизга таҳдид эканлиги хусусида фикрлар, ахборот маконида глобаллашув ва кучли рақобат шароитида мафкуравий иммунитетни шакллантириш; ўсиб келаётган ёш авлоднинг медиа саводхонлиги ва интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш юзасидан аниқ таклифлар билдирилди.

Матбуот анжуманида мавзуга доир ахборотлар ва маърузалар тингланди. Унинг доирасида тарғибот воситалари кўргазмаси ташкил этилди.

Ойбек ТОЖИБОЕВ.

Биз ҳам бу мавзуга бошқа қайтмаймиз,

аммо барибир ўз фикримизда қоламиз: тараққиёт имкониятлар тенглигидан бошланади

Партияларараро рақобат

Сайловчига баландпарвоз ваъдалар бериш, қуруқ мақтаниш сиёсий партияга обрў олиб бермайди. Ислоҳотларнинг бугунги босқичида электорат ва сайловчи ўзи ишонч билдирган ҳар қандай сиёсий куч ва унинг вакилларидан амалий ишларни, реал натижаларни кутмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда сиёсий партияларнинг барчаси 2009 йилдаги сайловлардан кейинги фаолиятини таҳлил қилиши ва бажараётган ишлари талаб даражасида эмаслигини ўз-ўзини танқид руҳида баҳолаши керак. Бироқ барча партиялар ҳам ана шу ақидага изчил амал қилаётгани йўқ.

ХДП нашри «Ўзбекистон овози» газетасининг 26 май сонида «Муносабат» рукнида таҳририят номидан эълон қилинган «Баҳс учун мавзу кўп» сарлавҳали мақоласини диққат билан ўқиб чиқдик. Дарҳақиқат, ҳеч ким инкор этмайди: баҳс учун мавзу кўп. Аммо оддий пенсионернинг газетамизда эълон қилинган «ХДП Ўзбекистонда ягона партия эмас-ку, шундай экан, нима учун унинг нашрида мамлакат номи бор?» деган оддийгина саволи таҳририят ходимларини шунчалар аччиқлантиришининг ўзи ҳали ХДПда соғлом рақобатга асосланган, жиддий, профессионал баҳс кўлами у ёқда турсин, жўнгина баҳс маданияти шаклланиб улгурмаганлигидан шоҳидлик бериб турибди. Таъбир жоиз бўлса, томчида қуёш қанчалик акс этса, газетхоннинг мулоҳазасини партияларараро баҳс мақомига кўтариб олиб чиқиб қўйган таҳририят мақоласида ҳам бизнинг Шахсий Фикрга (бу ҳаттоки танқид ҳам эмас) муносабатимиз яққол намоён бўлиб турибди. Эслатиб ўтамиз, газетамизда эълон қилинган «ХДП Ўзбекистонда ягона партия эмас-ку, шундай экан, нима учун унинг нашрида мамлакат номи бор?» сарлавҳали луқмадаги саволни биз эмас, оддий бир пенсионер берганини наҳотки тушуниб етиш қийин бўлса? Ҳайҳай демасангиз, ўз мулоҳазасини газета орқали билдиришга журъат этган пенсионерни юмма талашдан ҳам тойишмайди бу азаматлар!

Ҳаммамизга маълум янада оддий ҳақиқат шуки, «Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп». Шундай экан, мақолада алоҳида, бениҳоя «камтарона» тарзда таъкидлаб ўтилган ҳолат, яъни *«Ўзбекистон овози»нинг салмоғи, салоҳияти «адолат»чиларга халақит бераётгани»* ҳақидаги гапга изоҳ бериб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Чиндан ҳам шундай «салмоқ» ва «салоҳият»га эга экансиз, қандингизни уринг. Бундай сифатлардан яна кўплари сизга насиб этсин. Бироқ ўзингиз ғурур ила эътироф этаётган хислатларингиз нима учун оддийгина саволни «ҳазм қилиш»да иш бермай қолди, мана шуни тушуниш мушкул.

Мақолада таъкидланганидек, газета шу ном билан Истиқлолнинг илк кунидан чиқа бошлаган. (Шу ўринда бир жиддий тушунмовчилик бор. ХДП ва унинг нашри ўзини ўтмишдаги ҳукмрон партиянинг меросхўри эканини рад этиб, мустақиллик даврининг ҳосиласи эканини кўп таъкидлайди. Унда нега газета пештоқига нашрнинг 1918 йил 21 июндан чиқа бошлагани ёзиб қўйилган? Гап бошқа, амал бошқа экан-да). Аммо 1991 йилдан буён ҳам кўп сувлар оқиб ўтди, дунёқарашлар ўзгарди, онг-шуурда, тафаккурда бемисл эврилишлар юз берди. Жумладан, бугун юртимизда ХДПдан ташқари яна учта сиёсий партия фаолият юритмоқда. Маълумки, тараққиётнинг асосий белгиларидан бири — томонларга берилган имкониятларнинг тенглигидир. Ҳатто ривожланган давлатлар иқтисоди ҳақида гап кетганда, мамлакатда юксалиш, ютуққа эришиш, ўзлигини намоён қилиш учун барча фуқаролар тенг имкониятларга эга эканлиги алоҳида уқтириб ўтилади. Бу тамаддуннинг алифбосидай гап. Шундай экан, «қария»лигини пеш қилиб, замон ва ижтимоий вазият туфайли эга бўлиб қолган номга бунчалар ёпишиб олиш, бу номга нисбатан ўз муносабатини билдиришга журъат этган фуқаро ёинки нашрга адоват кўзи билан қараш айрим журналистларимизнинг тафаккур доираси торайиб бораётганини кўрсатувчи унсурлардан бири эмасми?

Ёдимизга қадимий ҳикмат тушади: мен не дейман-у, қўбизим не дейди. Ахир биз имкониятлар тенглиги деганда нимани назарда тутмоқдамиз? «Овоз»чилар келтирган мисол ўринли: Германия миллий демократик партияси нашри «Германия овози» деб аталади. Сўллар партиясининг нашри эса «Янги Германия» деб. Назаримизда, биз айтмоқчи бўлган фикрни «овоз»чилар ўзлари сезмаган ҳолда эътироф этиб ўтишган. Яъни ақлли олмонлар ҳар икки партия нашрига бирдай имконият беришган...

Албатта, биз «XXI asr» газетасига «Ўзбекистон ишбилармонлари ва тадбиркорлари» ёки «Миллий тикланиш»га «Ўзбекистон миллий тикланишчилари», шунингдек, «Адолат»га «Ўзбекистон адолати» деб ном беришдек кулгили таклифдан йироқмиз. Мамлакатимизда фақат битта партия адолат учун курашмаслигини ҳам яхши биламиз. Аммо фарғоналик пенсионернинг мулоҳазасини тўлатўкис қувватлаймиз: Чиндан ҳам, ХДП Ўзбекистонда ягона партия эмас-ку. Шундай экан, нега энди унинг нашри бутун мамлакатнинг овози бўлиши керак? Нима учун қолган партияларнинг нашрлари бундай имкониятга, таъбир жоиз бўлса, имтиёзга эга эмас? Бу ахир оддий мантиққа зид-ку!

Таҳририят ўз мақоласида: «Биз газетамиз номи билан фахрланамиз ва бунинг масъулиятини яхши англаймиз. Шу мўътабар номга муносиб бўлишга интиламиз», дея алоҳида қайд этиб ўтибди. Шундай бўлса, биз бундан фақат қувонамиз. Зеро, ҳамкасбларимизнинг ютуғи — бизнинг ютуғимиз. Аммо бу биз фақат «ҳайбаракаллачилик» билан шуғулланамиз дегани эмас. Аксинча, партия электоратининг, кўп сонли газетхонларимизнинг жамият, ҳаёт, жумладан, нашрлар хусусидаги нуқтаи назарларини, ўйларини газетамиз саҳифаларида ёритиб боришда давом этамиз. ХДП нашрининг номи хусусидаги иккита чиқишимизга газетада берилган узуқ-юлуқ жавобни ўқиганимиздан сўнг эса, табиийки, бундан ортиғига умид қилмаган ҳолда, биз ҳам бу мавзуни тўхтатиб туришга қарор қилдик. Инсофни «овоз»чиларнинг ўзларига берсин.

ТАҲРИРИЯТ

Барчаси эзгулик сари

Солиқ

Тараққиёт асрида барча соҳаларда бўлгани каби саноатда ҳам рақобат муҳити тобора кучайиб бормоқда. Бу, айниқса, тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар ҳам материалларни маҳаллийлаштириш билан боғлиқлиги боис дунёнинг ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатлари иқтисодиётида муҳим ўрин тутмоқда. Шунинг учун ҳам 2011 йилнинг 29 июлида мамлакатимиз Президентининг "2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини янада чуқурлаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятидан ҳам кўриниб турибдики, иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш учун биринчи навбатда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ниҳоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам республикамизда экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Эътиборли томони, маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўловидан қатор имтиёзлар қўлланилмоқда. Бу борада Чилонзор тумани ҳудудида расмий рўйхатдан ўтиб фаолият юритиб келаётган 18 та ташкилот маҳаллийлаштириш дастурига киритилган.

Маҳаллийлаштириш дастури иштирокчилари молиявий барқарорликни сақлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳсулот таннархини пасайтириш, корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш орқали янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришга эришмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарорда кўзда тутилган мақсадлар халқимизнинг ҳаёт тарзи, турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Алишер ТУРДУМАТОВ,
Чилонзор туман ДСИ бўлим бошлиғи.

Раҳбар масъулияти — самарадорлик ва адолат мезони

Мулоҳаза

Бугун дунё халқлари ниҳоятда ранг-баранг, шу пайтга қадар жаҳон ҳамжамияти ўз бошидан кечирмаган ёки аввал мисли кўрилмаган турли-туман жараёнлар ичида яшамоқда, ривожланмоқда. Одамларнинг дунёқараши шунга мувофиқ тарзда ўзгармоқда Шу туфайли бугун раҳбар шахснинг ўз ишига фақат касбий нуқтаи назардан эътибор қаратиши, унинг бошқарувдаги иштирокига ҳам мувофиқ келмайди, бугунги кун раҳбарига қўйиладиган талабларга ҳам жавоб бермайди. Бу жиҳатдан раҳбар кадрлар бугун ўз олдиларидаги қуйидаги масъулиятли масалаларни яхши англашлари ва уларни амалда намоён этишлари лозим бўлади.

Раҳбар шахс фаолият жараёнида, воқеа-ҳодисалар, турли хилдаги ташкилотлар, тизимлар ва бошқа турдаги тузилмалар раҳбар, раҳбарлик ва раҳбариятининг бошқарувда тутган ўрни, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва тартиби, қонуниятларини билиши, ўз ташкилоти ва раҳбарлигининг бошқарувдаги тарихий ролини яхши билиб олиши лозим.

Раҳбар назарий жиҳатдан ўз ишининг ижтимоий моҳиятини фуқаролар кўз ўнгида оча олиши, асослаши билан бирга, шахсан ўзи ўз ишининг ижтимоий табиати, тутган ўрни, аҳамияти, ғоялари, функционал ўрни, умумий қонуниятлари, фаолият услубияти, таркибий қисмлари, меъёри ва бошқа жиҳатларини чуқур англаши даркор.

Раҳбар амалий жиҳатдан раҳбарликнинг замонавий талаблари, бугунги ижтимоий ҳаётда мавжуд гуруҳ, ташкилот ва жамиятларда раҳбар, раҳбарлик ва раҳбарият фаолиятига оид иш юритиш услубиятини яхши ўзлаштирган бўлиши, топшириқлар, вазифалар, қарорлар, шунингдек, уларга асос бўлган назарий мақсадларни амалий жараёнларга мувофиқлаштира олиши ва татбиқ эта билиши зарур.

Раҳбар турли жараёнлар, тузилмалар ва фаолиятни ўзаро таққослаб, мутаносиб ва муқобил хусусиятларини кўра билиши, ўз олдига қўйган мақсадига кўра амалга ошираётган ишининг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва айниқса, маънавий аҳамиятини тасаввур эта олиши керак.

Раҳбар ўз иши ва ўзининг бошқарувдаги иштирокини тавсифий-танқидий кузатиши, раҳбар, раҳбарлик ва раҳбариятга хос характер, менталитет, имиж ва бошқа шу каби хусусиятларнинг бошқарув сиёсати мақсадларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳолай олиши, таҳлил ва тадқиқ эта билиши керак.

Раҳбар ўз дунёқарашининг руҳий-психологик, нутқ ва мантиққа, маданиятга, маънавий қадриятлар ва анъаналарга уйғунлиги, бошқарув объектлари билан боғлиқ маънавий хусусиятлар, фазилатлар ва бошқа хатти-ҳаракатларга мувофиқлиги, унинг амалиётда намоён бўлишини ёркин тасаввур эта олиши шарт.

Раҳбар миллатнинг, ўзи бирга ишлайдиган жамоа, ўзи бирга яшайдиган маҳалланинг тарихий тараққиёт жараёни, замонавий ривожланиши, бошқарувидаги уларга хос анъана ва туб фарқларни, салбий ва ижобий жиҳатларини аниқ билиши, уларни бартараф қилиш ёки анъаналаштиришга доир хулосалар чиқара олиши лозим.

Раҳбар ўзи, ўз ташкилоти ва унга алоқадор ўзга ташкилотларнинг сиёсат билан боғлиқ жиҳатлари, уларнинг жамият ҳамда сиёсий тузилмаларнинг ички ва ташқи муаммолари ва режаларини ҳал қилишда тутган ўрни, вазифалари ва мақсадларини билиши керак.

Раҳбар иқтисодий масалаларда, уни тўғри ташкил ва тақсим эта олиш, раҳбар, раҳбарлик ва раҳбариятга доир ҳуқуқий меъёрлар, қонун-қоидалар ва уларни жорий этиш ўрни, даври билан бирга турли даражада катта-кичик ва бир-бирига бўйсунувчи ташкилотларнинг ҳуқуқий муносабатларини пухта билиши, меъёрий нормалари, маъмурий тартибининг тузилиши, амалий фаолиятларининг мазмун-моҳияти билан таниш бўлиши зарур. Раҳбар ўзга ташкилотлар мавжудлигининг асл моҳияти, улар фаолиятининг яхши ва ёмон томонлари, хусусиятларини улар билан муносабатга киришиши зарурияти сабабли ҳам билиши талаб этилади.

Раҳбар бошқарувда босқичма-босқич, поғонавий фаолият кўрсатувчи бошқарув тузилмалари ва раҳбарлик лавозимларини билиши, раҳбариятнинг тузилиши, поғонаси ёки занжир боғланишига кўра бирининг иккинчиси тараққиётига таъсир кўрсатувчи доираси, бирининг бошқасига тобеълик даражаси ва мустақиллик функцияси кабиларни аҳрата олиши даркор.

Шунингдек, раҳбар шахс турли вазиятларни аниқлай, баҳолай олиши, режалаштира билиши, маслаҳат бериши, айни вақтда башорат қила олиши зарур. Шу асосда раҳбар ва раҳбарият фаолиятларида келажак билан боғлиқ функционал механизмлар даврга мувофиқлаштириб борилади. Бошқарув тизимида юзага келиши мумкин бўлган турғунлик ҳолатларини бартараф этишда бунинг ўрни алоҳида намоён бўлади.

Маълум даражада чегараланган географик ҳудуд ва минтақалар билан боғлиқ бошқарув тизимида амалга оширилади раҳбарлик фаолиятида шу тизим раҳбариятига доир масалаларнинг қамраб олиниши муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, белгиланган ҳудуд доирасида фаолият кўрсатувчи раҳбарият тизимининг хусусиятларини, давлат даражасидаги ташкилотлар миқёсида фаолият юритадиган раҳбарият, раҳбар ва раҳбарлик ҳамда улар томонидан амалга ошириладиган амалий жараёнларга боғлиқ муҳитнинг ўзаро мувофиқлигини, маълум минтақада (масалан, вилоят, шаҳар, туман даражасида)ги бошқарув объектларининг специфик хусусиятларини билиш ва ўша ҳудудни тараққий эттириш, ривожлантириш бўйича режаларни тизимлаш, назорат қилишга оид дастурлар ярата олиш қобилияти ҳам бугунги раҳбар шахсдан талаб қилинадиган асосий билимлардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, раҳбар шахс бошқарув умумий тамойиллари ва қатъиятлари, уни амалга ошириш техникаси, механизми ва методологияси, уларнинг турларини билиши, давр талабларини эътиборга олган ҳолда амалдаги услубларга ижтимоий жараёнларга боғлиқ ўзгартиришлар киритишни, эътиқод билан боғлиқ масалаларда иш юритиш тамойилларини, руҳий таассуротлар, тафаккур тарзи, ахлоқий нормалар, ижтимоий анъаналар ва мақсадлар, бошқарув муносабатларини мувофиқлаштиришда раҳбар кадрлар зиммасига юкланадиган вазифаларни билиши зарур. Чунки у ўз намунасида фуқароларга оғир синовларга бардош беришни, тадбиркорлик, ташаббускорлик, бирдамлик, иноқлик, жамоавийлик, ёруғ кунларга интилиб яшашни ўргатади. У кўрсатган ибрат одамларга кучқувват бағишлайди, иродасини мустаҳкам қилади, ҳам бирбирларига, ҳам давлат сиёсатига меҳру оқибатини оширади. Бу жиҳатларга кўра раҳбар жамиятда тарбиячилик ролини бажаради. Чунки жамият фуқаролари уни бошқарув гуруҳи амал қиладиган фаолиятдан намуна оладилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён бошқарув кадрларининг иш услубларида ҳам, аҳолининг бошқарув тизимига муносабатларида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Жаҳон тамаддунида мавжуд давлатлар ўз ҳудудларида тараққиётнинг юксак босқичларига кўтарилмоқ ва шу тамаддун ичида энг буюк ва фаровон давлатлар қаторида саналмоқ, инсоният жамиятида ҳар томонлама таъсир кучига эга бўлмоқликка интилиб, илгари мисли кўрилмаган бир тактикада кураш олиб бормоқдалар. Бу тактика мафкуралараро кураш тактикаси бўлиб, илгаригиларидан шуниси билан ҳам фарқ қилмоқдаки, қадимда ғалаба ёки мағлубият жангавор армия, унинг сони, салоҳияти, ҳар томонлама тайёргарлигига боғлиқ эди, эндиликда эса ўша армия масъулияти давлат хизмати ходимлари — раҳбарият зиммасидаги вазифага айланган ва тараққиёт йўлидаги ғалаба ёки мағлубиятни уларнинг тайёргарлиги ва хатти-ҳаракатлари белгилаб беради.

Ватан ҳимоясида сусткашлик, лоқайдлик, бепарволик кўрсатган, вазифасини суиистеъмол қилган, уддалай олмаган аскар ёки зобит нафақат ўзини, балки ҳимоя қилаётган Ватани, халқи, унинг эрки ва фаровонлигини ҳам қарамликка топширади. Модомики, бугунги куннинг масъули бошқарув тизими ва унда фаолият олиб борадиган раҳбар кадрлар экан, ана шу Ватан, халқ ва озодликни асраб қолиш, айни вақтда замонавий мафкуравий курашлар, хуружлар ва таъсирларга тушмайдиган, ҳар томонлама кучли миллатни шакллантириш, мамлакатни барпо этиш, шу асосда юксак тараққий этган давлатни юзага келтиришда, бошқарув тизими кадрлари амалга оширадиган ишлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Фазлиддин РАВШАНОВ,
сиёсий фанлар доктори.

Ўз-ўзини танқид

Нукус шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг навбатдаги пленумида "Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг 2011 йилдаги устав фаолияти якунлари ва 2012 йил фаолиятининг асосий йўналишлари", Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги депутатлик гуруҳининг 2011 йилдаги фаолияти ва 2012 йилга белгиланган вазифалари", шунингдек, партиянинг 2011 йилдаги бюджети ижроси ва 2012 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари" каби масалалар кўриб чиқилди.

Қатъият ва ташаббускорлик керак

Танқидий нуқтаи назардан бўлиб ўтган ушбу тадбирда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, шаҳар ва туман кенгашлар раислари, партия фаоллари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Мажлисда таъкидланганидек, ўтган йил мобайнида партия томонидан ташкиллаштирилган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва мақсади давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган вазифаларни тўлиқ ҳаётга татбиқ этиш, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, ижтимоий адолатнинг энг эзгу тамойилларини ўзида мужассам этган социал-демократия ғояларини аҳолининг кенг қатламларига етказишга оид масалаларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бироқ партия фаолиятида кузатилган ижобий ютуқлар билан бир қаторда баъзи камчиликлар ҳам борлиги, уларни ўз вақтида бартараф этмаслик эса олдинда турган масъулиятли вазифаларни бажаришда тўсиқлик қилиши алоҳида таъкидланди.

— Айрим туман партия кенгашлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилинмаган, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси ўринбосари Ривож Ўтарбоев. — Бу ўз навбатида ўша ҳудудларда аҳолининг партия илгари сураётган ғоялар, ўтказаётган амалий тадбирларидан бехабар қолишига сабаб бўлган. Натижада аъзолар сони ўсиши кузатилмаган.

Қанликўл, Шуманай туман партия кенгашлари ҳамда Тахиатош шаҳар кенгаши фаолиятида ана шундай эътиборсизлик кузатилганлиги таъкидланди.

— Ўтган йил амалий ишлар билан аҳоли, электорат ишончини қозонишга ҳаракат қилдик, — деди партиянинг Тахиатош шаҳар кенгаши раиси Е.Бегманов. — Турли мавзулардаги тадбирларнинг сонига эмас, савиясига, таъсирчанлигига эътибор қаратдик. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, айрим муҳим масалалар юзасидан ҳар доим ҳам кўнгилдагидек иш олиб бора олмадик. Бугунги пленумда билдирилган танқидлардан керакли хулоса чиқариб, фаолиятимиз мобайнида йўл қўйган хато ва камчиликларни тўғрилашга ҳаракат қиламиз.

Эътироф этиш керакки, партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини рўёбга чиқаришда депутатлик гуруҳларининг ўрни беқиёс. Шу туфайли пленумда «Адолат» СДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар фаолиятига ҳам танқидий муносабат билдирилди. Айрим депутатлар сусткашликка, лоқайдликка берилаётганлиги, уларда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ва маҳаллий кенгашлар сессияларига жўяли таклифлар киритиш масаласида қатъият, ташаббускорлик, жонбозлик, изланувчанлик етишмаётганлиги таъкидланди.

Музокараларда сўзга чиққанлар Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши фаолиятини янада кучайтириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, партия сафларини сиёсий етук, билимли кадрлар захираси билан тўлдириш борасида ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан ўртоқлашдилар.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати.

Ҳуқуқий маданият — олий қадрият

Жамият ва инсон

Истиқлол йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг миқёсидаги ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Болалар ва ўсмирлар организмидаги йод танқислиги оқибатида юзага келадиган касалликлар, ақлий ривожланишдан орқада қолиш, диққат-эътиборнинг заиф концентрацияси, буқоқ, ҳомиладор аёлларда бола ташлаш, марказий асаб тизими фаолиятидаги бузилишлар, ақлий ва жисмоний қобилиятнинг пасайиши каби касалликларни олдини олиш мақсадида мамлакатимизда бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни шулар жумласидандир.

Бахтимиз қомуси — Конституция нормаларида нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, балки давлат идораларининг мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган. Конституциянинг 13-моддасида инсон ҳаёти, унинг эркинлиги ва ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги ёркин белгилаб қўйилган. Қолаверса, зиммамизга олган халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажариш, Бирлашган Миллатлар ташкилоти Низоми талаблари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиб яшаш масъулияти ҳам мавжуд.

Шунга кўра, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича миллий мониторинг тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалий қадамлар қўйилмоқда. Чунончи, таъкидлаш жоиз, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи миллий институтлар ташкил этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти шулар жумласидандир.

Ўтган давр мобайнида қабул қилинган бир қанча ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси биринчи ўринга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўйрисида»ги қарори қабул қилиниши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш жараёнларини янада такомиллаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Қарорга кўра, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса унинг бўлимлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ваколатлари қайта кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида келтирилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомга кўра, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари доимий равишда таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш, Адлия вазирлигининг муҳим вазифалари сирасига киради. Айниқса, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномаларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат руҳини, қонунга итоаткорликни шакллантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, давлат органларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ҳолатини таҳлил қилиш, умумлаштириш, уларни яхшилаш юзасидан тегишли давлат органига таклифлар киритиш саъй-ҳаракатлари катта самаралар бера бошлади. Шунингдек, фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларни ҳолисона ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқишни таъминлаш, улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўриш Адлия вазирлигининг муҳим вазифалари қаторига қўйилди. Чунончи, Наманган вилоят Адлия бошқармаси томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан бир мунча ижобий ишлар амалга оширилдики, 2011 йилда тушган 131 та ариза ва шикоятлар белгиланган тартибда назоратдан ўтди.

Ушбу мурожаатларни ўрганиб чиқиш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 4 та тақдимнома, 7 та кўрсатма, 99 та даъво ариза, 2 та маъмурий таклиф, 3 та огоҳнома киритилди.

Масалан, «Нампахтатранс» МЧЖ ходимларининг жамият томонидан ойлик иш ҳақлари ўз вақтида берилмаётганлиги ҳамда ушбу иш ҳақларини ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб ёзган шикояти ўрганиб чиқилиб, 98 нафар ходимларнинг иш ҳақларини ундириш юзасидан ариза бўйича Наманган туманлараро судига суд буйруғи чиқариш юзасидан ариза берилди. Ходимларга бажарилган иши учун белгиланган меҳнат ҳақларини ўз муддатида берилмаганлиги учун «Нампахтатранс» МЧЖ раиси С.Турсуновни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан тўпланган ҳужжатлар Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига юборилди.

Вилоят адлия бошқармасида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш бўйича «ишонч телефони» жорий қилингани фаолиятимиз самарадорлигини оширди. Ҳисобот даврида ишонч телефонига 29 нафар фуқаролар мурожаат қилган бўлиб, улардан 16 таси қаноатлантирилди, 9 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 4 таси асоссиз деб топилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири. Шу боис вилоят адлия бошқармасининг иш режасига мувофиқ, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан ўтган 2011 йилда туман (шаҳар)ларда давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимият органларининг иш фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан жами 102 та идора ва ташкилот фаолияти ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 81 та тақдимнома, 9 та кўрсатма, 4 та огоҳнома ҳамда қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан 7 та маъмурий таклифлар киритилди.

Улуғбек ИСМАТИЛЛАЕВ,
Наманган вилоят
Адлия бошқармаси
Инсон ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш бўлими бошлиғи.

Мақсад — инсонлар манфаати

Ижтимоий ҳимоя

Бир бахтсиз ҳодиса туфайли инсон ногирон бўлиб қолиши, жамиятга фаол аралаша олмаслиги мумкин. Юртимизда инсон омили юқори ўринда турганлиги боис, ҳар бир шахснинг бахтли ва тўкис ҳаёт кечириши учун барча қулайликлар муҳайё этилмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, уларнинг беминнат тиббий ёрдам олиши, меҳнатга лаёқатсизлигини экспертизалаш масалалари ўз ифодасини топган.

Жамоамиз айнан шу қонун асосида турли сабабларга кўра соғлигини йўқотган инсонларни яна меҳнат фаолиятига қайтариш, вақтинча ёки турғун меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатини тиклаш, қолаверса, соғлигини йўқотган кишиларда ногиронликнинг олдини олиш ва уларни ногирон деб топиш борасида кенг қамровли профилактик ишларни амалга оширмоқда. Олий ва биринчи тоифали мутахассисларимиз Хива, Қўшкўпир ва Янгиариқ туманлари аҳолисига хизмат кўрсатаётир.

Комиссия шифокорлари томонидан касаллик турини, асоратлари ва даволаш натижасидаги оқибатларни инобатга олган ҳолда реабилитация даражаси юқори бўлганларга малакали ижтимоий ёрдам кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида бирламчи кўрикдан ўтганлар сони 15 нафарга камайган. Тўлиқ реабилитация эса, 58.7 фоизга ошган.

Шу асосда туманлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари билан яхши ҳамкорлик йўлга қўйилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. Хусусан, шу йилнинг январида ушбу ташкилотлар билан ҳамкорликда ОИТС тарқалиши ва унинг профилактикаси бўйича дастур ишлаб чиқилган. Аср вабоси дея эътироф этилаётган мазкур касалликнинг олдини олиш мақсадида Хива туман кўп тармоқли поликлиникасида, Қўшкўпир ва Янгиариқ туманлари тиббиёт бирлашмаларида, шунингдек, маҳаллалар фуқаролари ўртасида қатор учрашувлар ўтказилди.

Озод ҚУРБОНОВ,
Хива туманлараро 98-сонли
ТМЭК раиси.

Реклама

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

— Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизнинг мактаб-интернатлари педагогика жамоалари олдига ҳам юксак вазифалар ижроси масъулиятини юклади. Жумладан, улардан бири — тарбияланувчи ўқувчилар тимсолида оилаларни ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш вазифасидир, — дейди Андижон вилояти Пахтаобод тумани прокурори Муроджон Ибрагимов. — Ҳудудимизда жойлашган 31-кам таъминланган оила фарзандлари мактаб-интернатида йилнинг ўтган ойлари давомида ҳуқуқий муассасалар билан ҳамкорликда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Йил бошиданоқ мактаб-интернатнинг ҳар бир гуруҳи ва синфларида очиқ дарслар, машғулотлар ташкил этилди. Уларда халқ таълими бошқармаси мутахассислари билан бирга кенг жамоатчилик, жумладан, ҳуқуқ муҳофазаси органлари вакиллари ҳам иштирок этди.

Болакайлар ардоқда

Дарвоқе, туман прокурорининг фахр билан гапирганича бор. Бу ерда синфгуруҳ тарбияланувчилари ҳамда ўқитувчиларнинг «2012 йил — Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида йиллик иш режалари тузилиб, амалга оширилаётган ишларнинг мониторинги мактаб-интернати директори ҳамда унинг ўринбосарлари томонидан қатъий назорат остига олинган. Шунингдек, ўқув масканида фаолият юритаётган хотин-қизлар қўмитаси аъзолари тарбияланувчи болаларнинг оилаларида бўлиб суҳбатлар, тушунтирув ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришаяпти. Уларда ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий саводхонлик мавзуларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мактаб-интернатида ташкил этилган мақтовга молик тадбирлардан бири — 5-9 синф қизларига келажакда оилага тайёргарлик мавзуида ижтимоий, сиёсий, психологик маслаҳатлар берилаётганлигидир. Яна бир тадбирда 7-9 синфларнинг сардор қизлари иштирокида «Санамлар сарвари» деб номланган беллашув бўлиб, қизлар гўзаллик, латофат, нафосат, касб-ҳунар ҳамда пазандачилик, келинлик шартлари бўйича куч синашдилар. Унда 9-синф битирувчи қизлар иштирокида мактаб-интернат хотин-қизлар қўмитаси аъзолари билан «Неча ёшдан оила қурган маъқул?» деган мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Қизиқарли кечган мазкур суҳбат кейинчалик «Оила — муқаддас даргоҳ», «Ўсмир қизларни жисмоний тарбиялаш», «Оила — нуркўприк» каби тадбирларга уланиб кетди.

Мактаб-интернати тарбияланувчиларининг соғлом ва жисмонан бакувват тарбияси йўлида туман прокуратураси ҳомийлигида ташкил этилган «Ниҳол» спорт клубида стол тенниси, бадиий гимнастика, футбол, шахматшашка, қўл жанги, белбоғли кураш ва бошқа спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Мактаб-интернатнинг ўқувчилари-ю ўқитувчилари ҳамда мураббийлар 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини ҳукуматимиз ғамхўрлиги остида яратиб берилган муносиб шарт-шароитларда энг қувончли байрам сифатида қутиб олишди.

Давур ЖОЗИЛОВ,
"Adolat" мухбири.

«Агробанк» ОАТБ жамоаси 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан келажагимиз ворислари — азиз болажонларни муборакбод этади.
Дунё бола кулгусига тўлсин!

AGROBANK

Эл-юрт фаровонлиги хизматида

Самарқанд вилоят бошқармаси тасарруфидаги туман ва шаҳар бўлимларида олиб борилаётган ибратга молик ишлар хусусида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш тўғрисида»даги ҳамда «Тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари банкларнинг мижозлар билан янада яқин ҳамкорлик қилиш имкониятларини ошишига сабаб бўлмоқда.

«Агробанк» ОАТБ Самарқанд вилоят бошқармасининг туман ва шаҳар бўлимларида ҳозир 19 та филиал, 27 та минибанк фаолият юритаётган бўлиб, улар томонидан аҳолига тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатилмоқда. Турли мулкчилик шаклидаги 23979 та юридик ва жисмоний шахслар комплекс тарзда бу хизматлардан тўла баҳраманд бўлишяпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда микрокредитлашни рағбатлантириш ҳамда аҳолининг бандлик даражасини ошириш мақсадида жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари хамда кичик бизнес субъектларига 11 млрд. 363 миллион сўм кредитлар берилди. Улар эвазига қишлоқ жойларидаги юқори инновацион лойиҳалар молиялаштирилиб, ажратилган кредитлар ҳисобига 1377 та янги иш ўринлари яратилди.

Далилларга эътибор қилинг:

— маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 864 миллион сўм;

— тадбиркор аёлларга 888 миллион сўм;

— Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш учун 604 миллион сўм;

— Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун 319 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга ҳам 229 миллион сўм миқдорида микрокредитлар йўналтирилди.

Булардан эмас, «Агробанк» ОАТБ вилоят бошқармаси шаҳар ва туман филиаллари томонидан давлатимиз раҳбарининг «Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра ҳам 3 млрд. 321 миллион сўм;

— «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан 1 млрд. 498 миллион сўм;

— "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, ўз бизнес лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишларига кўмаклашиш ва шу орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида 302 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди.

Бундай мисолларни кўплаб ва кўплаб келтириш мумкин. Банк томонидан банк балансига олинган «Samarkand Agromuz» МЧЖга 1,4 млрд. сум миқдорида инвестиция маблағлари киритилиб, бу ерда музқаймоқ ишлаб чиқариш цехи, сут ва сут маҳсулотлари цехи, аммиак цехи, электроцех, фрион цех, совутгичларни таъмирлаш цехи, қозонхона ва мингдан зиёд музлатгичлар қайта таъмирланди. Шу билан бирга, корхонага янги ускуналар, музлатгичлар сотиб олинди. Айни кезларда 6 хил турдаги музқаймоқ ва 8 хил турда сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, банк томонидан Самарқанд вилоятида кам қувватли, бўш турган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда қувватларини ошириш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида этибор қаратилмоқда. Масалан, Тайлоқ туманида жойлашган "Yang-Gu Bog`izog'on Agro" МЧЖ Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасига картошка уруғликларини янги нанотехнологиялар асосида кўпайтириш ускунаси сотиб олиш учун 300 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Бугунги кунда корхонада 15 та янги иш ўринлари яратилиб, йилига 10 минг тонна картошка уруғи етиштириш қуввати ишга туширилди.

Банк томонидан шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига кредитларни расмийлаштиришда ҳам яқиндан амалий ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, улар намунавий бизнес режалар билан таъминланиб, уруғлик ва кўчатлар "Қишлоқхўжаликкимё" АЖ томонидан жойларда ташкил этилган шохобчалар ва банкнинг кўчма савдо дўконлари орқали етказиб берилмоқда.

Биласиз, ердан унумли ҳосил олишнинг муҳим сирларидан бири — унга яхши ишлов бериш, муайян агротехник тадбирларни вақтида амалга оширишдан иборат. Бу борада фермер хўжаликларини техникалар, агрегатлар, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, мазкур йўналишга маблағ ажратиш — банк олдида бугунги кунда муҳим вазифалардан бўлиб турибди. Шу боис бошқарма қишлоқ хўжалиги корхоналарига 12 млрд. сўмга яқин кредитлар ажратди.

Яна бир жиҳат: бошқарманинг туман ва шаҳар бўлимларида Вестерн Юнион, Контакт, Золотая корона, Юнистрим, МаниГрам, Лидер, Анелик, Каспиян Мани Трансфер, Интер Экспресс каби Халқаро пул ўтказмалари хизмати йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» ОАТБ Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси ўз мижозларига кўрсатаётган банк хизмати эл-юрт фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ.

WESTERN UNION
Золотая Корона | ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ
CONTACT
Анелик денежные переводы
UNIStream ЮНИСТРИМ ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ
MoneyGram. International Money Transfer
ЛИДЕР МЕЖДУНАРОДНЫЕ ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ
CASPIAN MONEY TRANSFER
ИнтерЭкспресс

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимизнинг
ширидан-шакар ўғил-қизларини
Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни
билан қутлайди.

Азиз дилбандларимиз!

Хонадонларимиз ҳамиша сизларнинг шўх-шодон кулгингизга тўлиб турсин.

Кўзингиз ҳеч қачон ёшланмасин, болаларча беғуборлик сизни тарк этмасин.

Ватанимизнинг буюк келажаги сизнинг қўлингизда эканини асло унутманг!



Далолатнома ёзувларига

тузатиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва маданиятини ошириш муҳим йўналишимиздир

Айрим ҳолларда илгари тузилган далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш зарурияти туғилиб қолиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга етарли асослар мавжуд бўлиб, манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаганда яшаш жойидаги ёки ушбу далолатнома ёзувлари сақланаётган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларни ёзиш (ФҲДЁ) органига белгиланган шаклда ариза билан мурожаат қилинганда амалга оширилади.

Мабодо, далолатнома ёзуви Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган ҳолларда ариза аризачининг доимий яшаш жойидаги ФҲДЁ органига берилади. Бундай ҳолатда ФҲДЁ органи барча ҳужжатларни тўплаб ижро қилиш учун далолатнома тузилган бошқа мамлакат ФҲДЁ органига юборади.

Далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

— тарихий ва миллий анъаналарга риоя қилиш мақсадида фамилияси, исми, ота исмини ёздириш истаги бўлганда. Масалан, исмининг охиридаги хон, хўжа, ҳожи, бек, бону, биби, бегим, зода, мир, абду ва ота исмини ёзишда -евич, -ович, -евна, -овна, қизи, ўғли қўшимчаларини киритишни истаса;

— оталик белгиланганда, яъни ёлғиз онадан туғилган боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига отаси ҳақида маълумотлар киритиш бўйича ота-онанинг оталикни белгилаш ҳақида ихтиёрий аризаси ёки суднинг ҳал қилув қарорига асосан;

— фарзандликка олиш бўйича ҳоким қарорига асосан;

— ота-онанинг ўзаро келишувига кўра ёки ҳоким қарорига кўра вояга етмаган боланинг фамилия, исми ўзгартирилганда;

— имловий хато ва ноаниқлик бўлганда, шунингдек, туғилган вақти, жойи ва отасининг исми ёзилмай қолганда;

— далолатнома ёзувида исми қисқартириб ёки эркалатиш шаклида ёзилган бўлса. Масалан, Мохчехра деб ёзилган бўлса — Мохичехрага, Батирдан — Ботирга.

16 ёшга тўлмаган болаларнинг туғилиш ҳақидаги ёзувлар дафтарига ўзгартиришлар киритиш уларнинг ота-онасининг аризасига биноан амалга оширилади. Бу ҳолатда бола 10 ёшга тўлган бўлса, унинг розилиги ҳам талаб қилинади.

16 ёшга тўлган шахсларнинг туғилиш, никоҳ тузиш, никохдан ажралишни қайд этиш дафтарларига ўзгартиришлар киритиш уларнинг аризаларига биноан амалга оширилади.

Айрим ҳолатларда ота-она қонуний ажрашган бўлиб, боланинг далолатнома ёзувига ўзгартиришлар киритишини сўраб ота ёки она мурожаат қилишади. Бу ҳолатда ота-онанинг қонуний равишда никоҳи бекор қилинган бўлса-да, албатта, ота-онасининг аризаси лозим бўлади.

Қонунга кўра бола туғилганда унга фамилия, исм танлашда ота-онага эркинлик берилади. Болага улар ўзлари хоҳлаган исмни ёки ота-оналаридан бирининг фамилиясини беришлари, ота-онанинг хоҳишига кўра болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Айрим вақтларда болага ўйлаб кўрилмасдан шошма-шошарлик қилиб исм, фамилия танлаб гувоҳнома олишиб бир ёки икки кундан сўнг ўзгартириш учун мурожаат қилишади. Шу сабабли болага исм-фамилия танлашда шошилмасдан ўйлаб кўриб хулосага келгандан сўнг гувоҳнома олинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сурайё ИЛЯСОВА,
Тошкент шаҳар Учтепа тумани ФҲДЁ органи II тоифали инспектори.

«Банк ва коллеж ҳамкорлиги»

лойиҳаси доирасида Оқтошда семинар бўлиб ўтди

MIKROKREDITBANK

Ўз сармояларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтириб, юртимиз бунёдкорлиги ва тараққиётига хизмат қилиб келаётган «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки бугунги кунда қатор лойиҳалар бўйича самарали иш олиб бормоқда. Айниқса, мазкур молия муассасаси томонидан амалга оширилаётган «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси доирасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар катта натижа бераяпти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан «Микрокредит» ОАТБ яқинда Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида бу лойиҳага асосан банк ва коллеж ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган семинар ташкил этди. Унда Самарқанд вилоят ҳокимлиги, вилоят Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси раҳбарлари, туман ва шаҳарлардаги касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ва коллеж битирувчилари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Маълумки, «Микрокредитбанк» ўзининг олти йиллик фаолияти давомида барқарор ва ишончли ташкилот сифатида юртимиз молия бозорида етакчилик қилмоқда. Айни пайтда меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар тадбиркорлигини молиявий қуллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш банк фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Бугунги кунда Президентимизнинг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки Республикамиз вилоятларидаги Ўрта-махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда 2011-2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларга айнан эгаллаган мутахассисликлари бўйича тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш, пировардида, уларга доимий иш ўринлари яратиш борасида фаол иш олиб бормоқда. Оқтошдаги бу семинар ҳам айнан шу хайрли ишларнинг узвий давоми бўлди. Тадбир ўз олдига қўйган асосий мақсадига кўра ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга, ёшларнинг инновацион лойиҳа ва ташаббусларини иқтисодиётга жорий этишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этди.

Семинар давомида ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига яратган маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. Шунингдек, "Микрокредитбанк" томонидан ўзининг пухта бизнес режасига эга бўлган 20 нафар коллеж битирувчисига замонавий тикув машиналари, 15 нафар битирувчига бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича банк сертификати, оилавий тадбиркорлик субъектларига эса қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Тенгдошларим сафида замонавий тикув машинаси олганимдан бахтиёрман, — дейди семинар қатнашчиси, Пахтачи туманидаги Қишлоқ хўжалик коллежи битирувчиси Фарангиз Икромова. — Билим масканимизнинг тикувчилик йўналишида ҳам билим олдим, ҳам ҳунар ўргандим. Эртага қаёққа ишга бориб жойлашишдан хавотир олмайман. «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси дастури асосида қилинаётган ишлар бунга изн бермайди. Тадбиркорлик фаолиятимни бошлаб, тикувчилик билан шуғулланаман. Ишларимни яхши йўлга қўйиб олгач, ёнимга яна тўрт нафар битирувчини олиб ишлаш ниятим бор...

Гулмира Холмуродова бу йил Оқтош тадбиркорлик ва сервис коллежининг бухгалтерия йўналишини тамомлаяпти. Мақсади — паррандачилик билан шуғулланиб, эл дастурхонига арзон, сифатли баҳода тухум етказиб бериш. Дастлабки ишларини йўлга қўйиш учун унга сармоя масаласи асло муамммо бўлмайди. Семинарда Гулмирага микрокредит ажратилганлиги тўғрисидаги банк сертификати топширилди. У ўзи каби минглаб ёшлар тақдирига бўлган бундай эътибордан беҳад мамнун эканлигини билдирди.

Тадбида сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг ташаббуси билан ёш авлодга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлар ҳақида тўлқинланиб гапириб, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ва уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ана шу эзгу ишларнинг сермаҳсул меваси бўлаётганлигини таъкидлашди. Шунингдек, яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуни ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, хусусан, ёш тадбиркорлар учун имкониятлар эшигини кенг очиб берганлигини, натижада кичик бизнес субъектлари сафи тобора кенгайиб бораётганлигини алоҳида эътироф этдилар.

Айни пайтда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида жорий йилда банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар ҳажми 202,8 миллиард сўмга етказилиши мўлжалланмоқда. Жумладан, йилнинг дастлабки чораги якунига кўра, молия муассасаси томонидан соҳа субъектларига жами 72,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан, имтиёзли микромолиявий хизматлар миқдори 41,3 миллиард сўмга етказилиб, белгиланган прогноз-кўрсаткич 102 фоизга бажарилди. Бунинг эвазига 26 минг 242 та янги иш ўринлари яратилди.

Таъкидлаш жоиз, банк "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида оилалар, айниқса, ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 1 минг 48 та ёш оилага 6,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, аёллар тадбиркорлигига 10,6 миллиард сўм ҳамда касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан ёшлар учун 1,3 миллиард сўм миқдорида кредитлар берилди.

Муҳим жиҳати — "Микрокредитбанк" жорий йилнинг апрель ойида пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" Республика ярамарка-савдо марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари бўйича "BankExpo — 2012" миллий кўргазмаси доирасида ўтказилган танлов натижаларига кўра, "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
"Adolat" мухбири.

Реклама

Pharmed sanoat

хусусий корхонаси жамоаси

Серқуёш мамлакатимизда яйраб-яшнаб ўсаётган ўғил-қизларни энг ардоқли байрамлардан бири, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан чин юракдан табриклайди.

Мустақил юртимизнинг соғлом ва етук, ҳақиқий ватанпарвар инсонлари бўлиб етишишингизга тилакдошмиз.

Тарихий хотира — катта сабоқ

Ёш адолатчи

Бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг «Ёш адолатчилар» қаноти ўз таркибига сиёсий фаол, интеллектуал салоҳиятли, илм-фаннинг турли соҳаларида фаол изланиш олиб бораётган ёшларни ўз атрофига бирлаштирган. Буни Хоразм вилояти партия Кенгаши «Ёш адолатчилар» қанотининг фаол аъзоларидан бири Зулфия Отабоева мисолида ҳам кўриш мумкин.

Зулфия мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ тарих фанига кўнгил қўйгани ва ушбу қизиқиши туфайли ўқишини ҳам тарих йўналишида давом эттириб, ҳозир Урганч давлат университети қошидаги 4-академик лицейда таҳсил олмоқда.

Эндигина 19 ёшни қаршилаган бўлишига қарамай, ёш адолатчимиз, айни вақтда Хива тарихига оид китоб ёзиш учун қизғин изланишлар олиб бормоқда. Қолаверса, Хива тарихи ва топонимикасига оид ўнлаб мақолалари орқали тарих илмига оид билимларини намоён қилиб келмоқда.

Жумладан, «Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳақида ривоятлар», «Эъзоз топди аждодларимиз», «Наврўзу-Феруз», «Жўравой хоним ёхуд Жўрабекхоним» номли мақолаларида юртимизнинг бой тарихий ўтмиши, хусусан, Хива шаҳри тарихи акс эттирилган бўлиб, кўпгина ўқувчиларнинг қизиқиш ва эътирофларига сазовор бўлган.

— Тарихий хотира биз ёшларга катта сабоқдир, — дейди Зулфия. — Шу боис биз ёшлар яқин ва ўтмиш тарихимизни чуқур ўрганишимиз шарт. Қадим шаҳримиз Хиванинг «Мевастон», «Қумёсқа», «Чинобод», «Дошёқ» каби қишлоқлари номлари замирида ҳам чуқур тарихий маъно мужассам. Шу боис мен ўз изланишларим орқали тарихий жой номлари маъносини топиш ва тенгқурларимга етказишни мақсад қилганман. Ўз фаоллигимни «Адолат» СДП орқали намоён қилиб, мамлакатимиз равнақига ўз ҳиссамни қўшсам дейман.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

Бош муҳаррир: Худоёр МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *236-57-14*;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *236-54-39*;
Телефонлар: қабулхона — *236-53-14*; *233-40-86* (факс); котибият — *233-41-89*.
Навбатчи муҳаррир — Номоз САЪДУЛЛАЕВ.
Навбатчи — Феруз ЖЎРАЕВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*
adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 600. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9550.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 20.45
1 2 4 5

«АНДИЖОНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ жамоаси

Мустақил юртнинг азиз дилбандлари!

Сизларни **1 Июнь** *— Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан чин дилдан табриклаймиз.*

Қалбларингиз ҳамиша беғубор, истиқболингиз порлоқ бўлсин!